


## КЕЙИН КЕЧ БЎЛМАСИН...

Бир беморимизнинг ҳикояси эсимдан чиқмайди. Наркоман ота «ломка» азобида ётганида уч яшар фарзанди унга шприц тутқазаяпти. Бола бечора унинг ималигини билмайди, билгани отаси ўзига укол қилса азоб чекмайди, бақирмайди... Бундан ортиқ фожиа борми?

4 бет



## БАРБОД БЎЛГАН «ОПЕРАЦИЯ»

Суҳбат сўнгида Саъдулла Саҳобиддинга 3 метрлар келадиган арқонни берди. Сўнг қўшиб қўйди:

— Сени 5000 АҚШ доллари кутаяпти...

10 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 22-may, № 21 (594)


БАРКАМОЛ АВЛОД — 2008

«Баркамол авлод» номини олган бу мусобақаларни биз Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг яна бир саҳифаси, янги давлат, янги жамият қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлидаги орзу-интилишларимизнинг ёрқин намунаси, деб биламиз.

**Ислом КАРИМОВ**





# Тинчлик ва дўстлик байрами

Дарҳақиқат, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли давлатимизда ёшларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб номланиши ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажакка бўлган ишончини янада ошириб юборди. Чунки, «Ёшлар йили» Давлат дастурида таъкидланганидек, «Бу юксак эътиборга муносиб бўлиш, яъни Ватанимиз бизга ишонаяптими, биз ҳам унга шунга яраша хизмат қилмоғимиз шарт». Бу бугун юрагида ўти бор ҳар бир қорақалпоғистонлик ёшларнинг шиорига айланган. Улар ҳар куни нафақат ўзларининг, балки барча ватандошларимизнинг ҳаётига ўзгача мазмун бахш этиш учун интилаётганликлари ҳаммамизни қувонтиради.

17-20 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси маркази — азим Нукус шаҳри улкан спорт байрамига мезбонлик қилди. Бу галги мусобақаларда 2296 нафар ёшлар спортнинг футбол, валейбол, баскетбол, гандбол (қўл тўпи), миллий кураш, сузиш, теннис, стол тенниси, шахмат, бадиий гимнастика ва енгил атлетика каби турлари бўйича кураш олиб боришди. Мусобақанинг тантанали маросими бўлиб ўтган «Турон» стадиони замонавий меъморчилик андозалари бўйича қайта реконструкция қилиниб, стадион сатҳига қишин-ёзин ям-яшил тус бериб турадиган сунъий чим ётқизилди. 12 минг томошабинга мўлжалланган сифатли, қулай ўриндиқлар ўрнатилди. Барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналар, дам олиш ва ювиниш хоналари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган машғулот хоналари, спорт заллари ёшлар ихтиёрида бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур мусобақалар ёшларнинг фақатгина спорт байрами бўлиб қолмади. Ташкилотчилар томонидан турли кўнгилочар тадбирлар уюштирилди, қадимий жойларга саёҳатлар ташкил этилди.

Ҳа, тўрт кун давом этган «Баркамол авлод—2008» спорт ўйинларининг республика босқичи ана шундай байрамона руҳда бўлиб ўтди. Муҳими, у ёшларнинг чинакам дўстлик, муҳаббат айёмига айлана олди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг спортчи ўқувчи-ёшлар ўртасида 2001 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг бу галгиси ҳам худди аввалгилари сингари ёшлар хотирасида муҳрланиб, уларнинг келажакда ақлли, соғлом кишилар бўлиб етишишларига омил бўлади, деб ҳисоблаймиз.

**Убайдулла МНАЖОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**

УЧРАШУВ

## Билим ва тажриба уйғунлиги

**Ўтган йили мамлакатимиз Президентининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ташкил этилган эди. Ҳозирда мазкур маскан тингловчиларининг касбий савиясини янада юксалтириш мақсадида соҳа мутахассислари билан кўплаб учрашувлар уюштириб келинмоқда. Бу албатта, ёш кадрларнинг амалиётда тўлақонли фаолият олиб боришларида катта кўмак беради десак, муболаға бўлмайди.**

Яқинда Олий ўқув курслари тингловчилари учун Бош прокуратуранинг Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси Ботир Калонов бошчилигидаги прокуратура фахрийлари билан учрашув ташкил этилди. Учрашувда прокурор-тергов ходимлари олдига қўйилаётган вазифаларнинг нечоғлик аҳамиятта моликлиги хусусида сўз борди. Шундан сўнг, фахрий меҳмонлардан Эгамберди Ҳакимов ва Султон Полвоновлар сўз олиб, меҳнат фаолияти давомидаги тажрибаларини тингловчилар билан ўртоқлашди. Учрашув ниҳоясида тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олишди.

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**журналист**

СУҲБАТ

# Жамият ва давлат манфаатлари йўлида

**Мамлакатимиз тараққий топиши учун амалга оширилаётган ислоҳотлар, кўрилаётган чора-тадбирлар янада эркинроқ, адолатлироқ жамият барпо этишга, аҳолининг ҳаёт фаровонлигини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятта моликдир. Иқтисодиётни юксалтиришнинг ҳозирги босқичида прокуратура органларига ҳам алоҳида масъулият юкланган. Қонунийликни таъминлаш, адолат устуворлиги тамойилини тўла-тўкис юзага чиқариш, мақсадларимиз йўлида тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатларни бартараф этиш ана шундай вазифалар ҳисобланади. Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Муҳиддин ҚИЁМОВ билан суҳбатимиз ҳам ана шу ҳақда бўлди.**

**— 2008 йилнинг ҳам бир неча ойи ортда қолди. Шу даврда вилоят прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат бўлди?**

— Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги йўналишида қонунлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Асосан давлат мулки ва бюджет маблағларининг сарфланиши, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат ва бандлик, хотин-қизлар ҳуқуқи, тўлов интизоми, таълим, банклар ва нақд пул муомаласи, соғлиқни сақлаш, ёнилғи, энергия ресурсларининг сақланиши, коммунал тўловларни ундириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда Ёшлар йили Давлат дастурининг ижросига оид қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан назорат ишлари олиб борилди.

Аниқланган барча қонунбузилиш ҳолатларига прокурорлик муносабатлари билдирилди. Йилнинг дастлабки чорагида ўтказилган 117 та текшириш натижасига кўра 2324 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган 232 та ноқонуний ҳужжатлар протестлар асосида бекор қилинди.

Аниқланган моддий зарарнинг 17,4 млн. сўми айбдор шахслардан ихтиёрий равишда қопланиб, 189,2 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга 626 та ариза киритилди. Вилоят прокуратура органлари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилган 69 та жиноят иши бўйича 4 млрд. 507,8 млн. сўмлик зарар аниқланиб, шундан 4 млрд. 297,9 млн. сўми ёки 95,3 фоизи тергов жараёнида ундирилиши таъминланди.

**— Фуқаролар кўпинча иш ҳақлари ва нафақалар ўз вақтида тўланмаётгани, нафақалар тайинланишидаги ноҳақликлар тўғрисида шикоят қилишларига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу борада бажарилган ишлар ҳақида тўхталсангиз?**

— Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳақиқатан ҳам айрим ташкилот ва корхоналарнинг раҳбар ва масъул ходимлари ўзига юклатилган хизмат вазифасини лозим даражада бажармасликлари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, ишчи ва хизматчилар учун ажратилган иш ҳақи ва бошқа маблағларни ўз вақтида тўлаб берилишини таъминламаслик фуқароларнинг ҳақли эътирозлари келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Ангор туманидаги «Новшаҳар» сувдан фойдаланувчилар уюшмасида ишчи ва ходимларнинг 2007 йил мартидан 2008 йил мартига қадар 3 млн. 650 минг сўм иш ҳақи тўланмаган. Устига устак уюшма ҳисобчиси Э.Чориев февраль ойида чек орқали банкдан 264 минг сўмни иш ҳақи тариқасида олиб, ўзлаштириб юборган. Бундан ташқари бошқа ходимларга тегишли бўлган 36 минг сўм иш ҳақини уюшмага алоқаси бўлмаган таниши З.Жаннатмуродованинг пластик карточкасига ўтказиб берган. Шу каби қонунбузилиш ҳолатлари Ангор тумани «Новшаҳар» машина-трактор парки, Денов тумани «Денов инженерлик қурилиш компанияси», Бойсун тумани «Пиллачилик» масъулияти чекланган жамиятларида ҳам содир этилган.

(Давоми 3-бетда).

# Ҳаром луқма татимас

**_Ҳар ким бирор бир ишни бошлаётганида албатта муайян бир мақсадга эришишни, ўзидан ташқари жамиятга ҳам наф келтиришни истайди. Мамлакатимизда бунинг учун етарли ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Бироқ, қонун талабини четлаб ўтмоқчи бўлган тадбиркорлар ҳам учраяптики, улар ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким билмайди қабилида иш тутиб, ён-атрофдагиларни алдашга уринаяптилар._**

Хусусан, департамент ходимлари томонидан ўтказилган текширишда фуқаро Ж.Исмоилов ва Х.Ҳамдамовлар «Формула строй сервис», «Ихтиёрбек Анвар Илҳом», «Маҳмудов Абдураҳмон кўрки», «Рўзиев Суҳроб саховати», «Аква интеграл комфорт», «Ром император», «Муродов Фазлиддин Баҳриддинович», «Адолат нур сервис», «Шабнам Абдумалик», «Багира Бухара», «Зенит Феникс», «Жуйзар строй монтаж сервис» каби хусусий корхоналар ташкил этиб, улгуржи савдо рухсатномаларини қалбакилаштирган ҳолда 23,3 млрд. сўмлик товар айланмасини амалга оширганлиги маълум бўлди. Маҳсулотларни сотишдан тушган 7,4 млрд. сўмни назорат касса машинасидан ўтказмаганликларидан ташқари банкка ҳам топширишмаган. Шу билан бирга фаолият давомида 698,7 млн. сўмлик солиқларни ҳам тўлашмаган.

Бу икки азамат шу билан чекланиб қолмасдан, фаолиятлари натижасида олган даромадни легаллаштириш мақсадида «Жонгелди юлдузи», «Қандиёр-Асад-Ашур», «Балтика Электрон сервис» ва «Азамат-қурилиш-Бух» хусусий корхоналарини ташкил этиб, жиноий фаолиятларидан олинган 44,6 млн. сўм пул ҳамда 88,2 млн. сўмлик мол-мулкни ушбу корхоналарнинг низом жамғармаларига ўтказишган. Бундан ташқари, улгуржи савдо билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензияни ҳам қалбакилаштириб, бюджетга тўланиши лозим бўлган жами 136,8 млн. сўмни ягона солиққа тўламай келишган. Маҳсулотларни сотишдан тушган 1,2 млрд. сўмни назорат касса машинасидан ўтказмаган.

Қонунни четлаб ўтмоқчи бўлган бундай «шаввозлар» қилаётган қинғир ишларидан катта даромад олишни кўзлашса-да, бир кун келиб сирлари фош бўлишини ўйлашмаган ҳам кўринади.

Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган таҳлилда фуқаро Л.Номозов ва бошқалар ДТ «Халқ банки»нинг Қарши шаҳар бўлими мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, «Аброр юксалиш» МЧЖ бўйича 465,2 млн. сўмлик, «Чорва юксалиш» МЧЖ бўйича 920,3 млн сўмлик улгуржи товар айланмасини амалга ошириб, ДСИга топширган ҳисоботларида солиқларни камайтириб кўрсаттани, жами 68,1 млн. сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари аниқланган. Л.Номозов бундан ташқари фуқаро З.Ҳасановнинг ишончини суиистеъмол қилган ҳолда унинг номига «Оилавий тадбиркор Ҳасанов Зоир» номли тадбиркорлик субъектини ташкил этган. Аммо уни ДСИда рўйхатдан ўтказмасдан З.Ҳасановнинг имзосини қалбакилаштириб, ДТ «Халқ банки»нинг Қарши шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақами орқали 145,7 млн. сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга оширган ва банкдан 78,5 млн. сўм маблағни накдлаштирган. Жиноий йўл билан олинган 285 млн. сўмлик маблағларга Қарши ва Косон ёғ экстрация заводларидан сотиб олинган шрот ва шелухани накд пулга сотиб юбориб, даромадни чўнтакка урган. Шу билан бирга Л.Номозов бундай фаолияти давомида топган даромадлари ҳисобидан «Дамас» русумли автомашина сотиб олиб, ўз эгалик ҳуқуқини яшириш мақсадида уни отаси С.Шодмонов номига расмийлаштирган.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейишлари бежиз эмас. Шунинг учун қонун доирасида юриб, ишни тўғри ташкил этишга нима етсин.

**Шокир АДАШЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти катта инспектори**

# Назорат давом этмоқда

Дўстлик тумани Жиззах вилоятининг чўл ҳудудида жойлашган. Чўл шароитида деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша қийинчилик ва муаммолари бор. Шунга қарамасдан деҳқонларимиз давлатга ғалла ва пахта топшириш режаларини ортиғи билан уддалаб келмоқда. Туманимиз вилоятда иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз нуфузига эга. Дўстлик дон комбинати, Дўстлик нефть базаси унитар корхонаси каби ташкилотларнинг нафақат вилоят, балки республикада ҳам ўз ўрни бор.

Бу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, жорий йилнинг биринчи чорагида қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Қонунлар ижроси устидан назорат тартибида 8 та текшириш ўтказилиб, натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилишларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида 17 та тақдимнома киритилди. Қонунбузилишларга йўл қўймаслик тўғрисида 12 нафар шахс ёзма равишда огоҳлантирилди. 53 нафар шахс маъмурий, 30 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Битта ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Етказилган зарарни ундириш борасида 2 млн. 417 минг сўмлик даъво аризалари қўзғатилиб, барчасининг ундирилиши таъминланмоқда.

Туман прокуратурасида фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилган. Фуқаро Қ.Ирсалиев ва бир гуруҳ пенсионерлар нафақа тарқатувчи Ш.Бозоровнинг ноқонуний хатти-ҳаракати юзасидан шикоят ариза билан мурожаат қилишганди. Текширишда туман почта алоқа тармоғининг «Холхўжаев» МФЙ ҳудудига бириктирилган Ш.Бозоров пенсионерларнинг 614 минг 773 сўм нафақа пулини имижимида чўнтакка ургани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан Ш.Бозоровга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳам 5 та текшириш ўтказилди. Текширишлар давомида 1 та жиноят иши қўзғатилиб, 2 млн. 698 минг сўмлик етказилган зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Жумладан, туман «Машина-трактор парки» АЖ муҳандиси Д.Шодиев 1 млн. 108 минг 274 сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-торож қилганлиги аниқланди. Унинг жиноят иши судда кўрилиб, қонуний ҳукм чиқарилди.

Жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва унинг олдини олиш чораларини кўришда жамоатчилик билан ҳамкорликка кенг ўрин берилмоқда. Ҳудуддаги корхоналарда, қишлоқ фуқаролар йиғинларида жамоатчилик билан юзма-юз мулоқотлар уюштирилмоқда. Уларда жиноятнинг илдизи таҳлил қилиниб, вазифалар белгилаб олинаяпти. Энг асосийси, ҳар бир жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш борасида туман ИИБга тақдимномалар киритилиб, унинг муҳокамасида прокурор иштироки таъминланмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи чорагида туман ҳудудида бир қанча жиноят турларининг содир этилиши камайганлиги кузатилди. Босқинчилик, транспорт воситасини олиб қочиш, одамларни ёллаш каби салбий ҳолатлар рўй бермади.

Икки ҳолатда гиёҳванд моддасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар содир этилганлиги аниқланди. Жумладан, туман ИИБ ходимлари ўтказган тадбирга асосан Дўстлик шаҳрида яшовчи Сергей Чистополов хонадони кўздан кечирилганда, кийимлар чўнтагидан 308,61 грамм «марихуана» гиёҳвандлик воситаси топилди. Айбдор қонуний жазосини олди.

**Шавкат ТУРДИБЕКОВ,**
**Дўстлик туман прокурори**

# ҚОНУНГА АМАЛ ҚИЛИНГ, ЖАНОБ БИЗНЕСМЕН!

**Пойтахтимиздаги «Чорсу» бозори яқинидаги универсал дўкон нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар учун ҳам таниш манзил. Анча йиллар аввал юртдошларимизга «ГУМ» номи билан таниш бўлган бу дўконда туркиялик сармоядорлар фаолият юрита бошлагач, «Туркуаз» номини олди ва мазкур дўконнинг аввалги шуҳрати яна қайтиб, энг харидоргир савдо марказларидан бирига айланди.**

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тараққиёт йўли танлаб олингач, мамлакатимизда хусусий мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Бундай имкониятлардан маҳаллий тадбиркорлар билан бир вақтда хорижий тадбиркорлар ҳам самарали фойдаланиб, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшиб келишмоқда.

Аммо хорижий сармоядорлар ва тадбиркорлар учун яратилган имкониятларга қарамай, айрим «уддабурон» бизнесменлар ноқонуний даромад топиш мақсадида мамлакатимиз қонунларини четлаб ўтишга ҳаракат қилишмоқда. Турган гапки, улар вақти-соати билан қонун олдида жавоб беришларига тўғри келмоқда.

Туркиялик бизнесменлар Вахит ва Фикрет Гюнешлар ҳам пойтахтимиз истеъмол бозорини обдон ўрганиб чиқиб, шаҳримизда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга қарор қилишган. Улар бундан бир неча йиллар бурун «Чорсу савдо маркази» ОАЖ хорижий корхонасини ташкил этишади ва юқорида таърифини келтирган дўконни супермаркетга айлантириб, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни йўлга қўйишади. Аҳоли бу ерда харидорларга кўрсатилаётган замонавий савдо ва сервис хизматидан мамнун. Супермаркет ходимларининг қўли қўлига тегмайди, савдо авжида. Табиийки, бундан хорижлик тадбиркорлар — «Чорсу савдо маркази» ОАЖ хорижий корхонаси бош директори Вахит Гюнеш, бош директор ўринбосари Фикрет Гюнеш ҳам мамнун эди. Улар аввалига юртимизда амалда бўлган қонун-қоидаларга амал қилиб, рисоладагидай фаолият юритиб келишди. Аммо қонуний даромадига қаноат қилишмаган шекилли, янада кўпроқ даромад илинжида қинғир йўлларни ахтариб қолишади. Ана шунда хорижлик бизнесменларга корхона омбор мудири Йилдиз Южел, бош ҳисобчиси Ирина Сайбаталова, ҳисобчи Барно Мавлоновалар кўмакка келишади. Шу тариқа хорижий корхона мансабдор шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, жамият товар-моддий бойликларини талон-торож қилишга киришиб кетишади. Қисқа муддат ичида «ишбилармонлар» жамиятнинг 110 млн. 331 минг 165,55 сўмлик бойликларини турли йўллар билан ўзлаштириб юборишади. Бундан ташқари, Хитой, АҚШ тижорат компаниялари билан тузилган шартномаларга асосан кўрилган кўп миқдордаги даромадни ҳам яшириб, давлатга 1047,96 АҚШ доллари миқдоридаги даромад солиғини тўлашдан бўйин товлашади.

Шунингдек, супермаркет ва унинг омборхонасидан жамият бухгалтериясига кирим қилинмаган 320 млн. 1 минг 809,06 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш мақсадида сақлаб келинаётгани аниқланган. Бу супермаркетда қонунга хилоф равишда жуда кўп миқдорда савдо фаолияти амалга ошириб келинганидан далолат беради.

Тергов давомида етказилган зарар тўлиқ ундирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳукми билан хорижлик тадбиркорлар Вахит Гюнеш, Фикрет Гюнеш, Йилдиз Южел ва ҳамюртларимиз Ирина Сайбаталова, Барно Мавлоновалар қилмишларига яраша жазосини олишди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: ана шундай иқтисодий жиноятларга қўл урган хорижлик бизнесменларга ҳамтовоқ бўлган юртдошларимизда ватанпарварлик туйғуси бўлганида, турган гапки иш бунчаликка бориб етмас эди. Демак, ҳамма соҳада ҳам маънавий бойликнинг ўрни бор.

**Улуғбек СУЛАЙМОНОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ катта терговчиси**

# Барака — ҳалолликда

**Мустақилликнинг илк кунлариданоқ тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилди. Бу борада юртбошимизнинг кўплаб фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари эълон қилинди. Солиқ ставкалар йил сайин камайтириб борилмоқда, бундай имкониятлардан фойдаланган тадбиркорлар хорижлик ҳамкорлари билан товар айирбошлашни янада кенгайтирмоқда. Бироқ яратиб бераётган имтиёзларни менсимайдиган тадбиркорлар ҳам кам бўлса-да учраб турибди.**

Элликқалъа туманининг Халқлар дўстлиги кўчасида яшовчи Илҳом Турабоев ана шундай тадбиркорлардан чиқиб қолди. У туман ҳокимлигидан уяли алоқа телефонлари ва компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган. Тадбиркор яхши ниятда 2007 йил 21 декабрь куни Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Пайнет» қўшма корхонаси билан терминал хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузганди.

Унинг фаолияти ўрганилганда савдодан тушган 5 млн. 996 минг сўм нақд пулни НКМдан ўтказмай ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Бугунги ҳаётимизни уяли телефонларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозирда мамлакатимизнинг чекка овулидаги юртдошимиз дунёнинг нариги бурчагидаги таниши билан уйида ётиб суҳбатлашишга муяссар бўлди. Лекин бундай техника ютуқларидан фойдаланишнинг ўз-ўзидан бўлмаслиги тайин. Уяли телефон карточкаси учун 60-70 километр йўл босиб туман марказига келишнинг ўзи бўлмайди. Эътиборли томони шундаки, қишлоқ ва овулларда ҳам телефон карточкалари сотадиган шахобчалар очилмоқда. Лекин ана шундай хизматларни кўрсатадиган айрим якка тадбиркорлар фақат ўз чўнтакларини ўйлаётгани ачинарли ҳол.

Амиробод овул фуқаролар йиғинида яшовчи Эргаш Баратов 2005 йил 25 октябрда туман ҳокимлигидан Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилган лотореяларни ва уяли телефон карточкаларини чакана йўл билан сотиш учун рўйхатдан ўтганди. Хусусий тадбиркор 2003 йил 11 июлидан 2008 йил 23 январигача ўзининг банкдаги ҳисоб рақами орқали 287 млн. 694,3 минг сўмлик банк операцияларини амалга оширган. Унинг фаолияти ўрганилганда тадбиркор 2 млн. 692,3 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни қасддан тўламаганлиги маълум бўлди.

Маълумки, департамент органлари фаолияти қўзғатилган жиноят ишлари сонига қараб эмас, балки профилактика ишларининг самараси ва давлат бюджетига ундирилган маблағларга қараб баҳоланади. Шундан келиб чиқиб, аҳолига иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги ислоҳотларнинг моҳиятини, содир этилган қонунбузилиш учун жазонинг муқаррарлигини тушунтириш борасида бўлим томонидан 2008 йилнинг 3 ойида 33 та профилактика тадбири ўтказилди.

Солиқлар ҳаётимиз фаровонлиги учун хизмат қилар экан, иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид ҳуқуқбузарликка қарши курашиш нафақат соҳа ходимларининг вазифаси, балки барча юртдошларимизнинг бурчи бўлиб қолиши керак.

**Санжар ТОЖИЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Элликқалъа туман бўлими инспектори**

# Жамият ва давлат манфаатлари йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пластик карточкалар ҳисоб варақларига маблағлар кирим қилиниши ҳамда бухгалтерия ҳисоби юритилишида жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, АТ «Пахтабанк» вилоят бошқармаси ва «Халқ банки» Музработ туман бўлими масъул ходимлари ўзаро жиноий тил бириктириб, мижозлар ҳисоб рақамларида маблағи бўлмаса-да, 7 та мижозга очилган пластик карточкаларга 200 млн. сўм маблағни кирим қилиб, банкнинг жуда кўп миқдордаги пулини талон-торож қилишган. Шунингдек, АТ «Пахтабанк»нинг Қумқўрғон филиалида ҳам худди шу йўсинда банкнинг 260 млн. сўм маблағи талон-торож қилинган. Айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, текширишларда айрим фуқаролар йиғинлари томонидан нафақалар тайинлашда оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ўрганилмаганлиги фактлари аниқланган. Фуқаро З.Омонованинг йиллик даромади 1 млн. 237 сўмни ташкил этган, бироқ Термиз шаҳар 14-умумий ўрта таълим мактаби ҳисобчиси О.Қурбонова З.Омонованинг даромадини 215 минг 961 сўмга камайтирган ҳолда сохта маълумотнома бериб, ноқонуний равишда нафақа тайинланишига сабабчи бўлган. Айбдорлар қилмишига яраша жазосини олиши тайин, албатта.

**— Маълумки, иқтисодий тараққиётни кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларининг кенг кўламли фаолияти белгилаб беради. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар қандай бормоқда?**

— Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш борасида доимий равишда текширишлар ўтказилиб борилмоқда. Аниқланишича, айрим маҳаллий ҳокимликлар ва солиқ идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини чеклайдиган қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилган.

Термиз тумани ҳокимининг қарорига кўра «Боқи Чино А.П.» кўп тармоқли кичик корхонаси фаолиятини тугатиш ва давлат реестридан чиқариш белгиланган. Бу қарор Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июль кунги «Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низом талабларига кўра тугатиш ҳужжатларининг тўлиқ пакети тўпланганидан сўнг корхонанинг муассислари ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органи ёхуд ҳудудий махсус комиссиясининг тугатилаётган корхонани давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги мурожаати бўлмаган ҳолда қонунга зид равишда қабул қилинган.

Худди шунингдек, Термиз тумани ҳокимининг ғайриқонуний қарорларига асосан «Оғамаматов Жумагелди», «Абдулла ўғли Искандар», «Файзали Иброҳим», «Жавоҳир Шалола ПША», «Малик Раҳмон» хусусий корхоналари ва «Ўзсув хорижий қурилиш» корхонаси фаолияти тугатилиши ва давлат реестридан чиқарилиши белгиланган. Прокуратура протестларига асосан туман ҳокими ва туман давлат солиқ инспекцияларининг 7 та ноқонуний қарор ва буйруқлари бекор қилиниши таъминланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди қарори билан З.Ражапов раҳбар бўлган фермер хўжалигига тегишли ер майдони бошқа фуқарога олиб берилган эди. Вилоят прокурорининг 2008 йил 23 январдаги назорат тартибидаги протести билан ноқонуний суд қарори бекор қилиниб, ер майдони фермерга қайтарилиб, унинг қонуний манфаатлари тикланди.

**— Вилоят ишлаб чиқаришининг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар амалга оширилишида қонунлар ижроси таъминланиши қай аҳволда? Бу соҳада прокурор назорати ўрни нимада деб ўйлайсиз?**

— Шу ўринда жавобни, аввало, саволингизнинг иккинчи қисмидан бошласам. Собиқ шўро тузуми барҳам топиб, мустақиллигимиз даври бошланганидан сўнг халқ хўжалигидаги мавжуд бўлган ҳолатни бир эсланг. Жамоа ва ширкат хўжаликлари янги шароитларга мос келмаслиги ўз-ўзидан кўриниб қолди. Президентимиз ташаббуслари билан ширкат хўжаликлари тугатилиб, ерлар фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун берилди, бир вақтнинг ўзида собиқ ширкат хўжаликларининг мол-мулки сотувга қўйилди ва тақсимлана бошлади. Янгидан ташкил топган фермер хўжаликларининг эса ҳали тажрибаси кам эди. Натижада кўпинча шартнома мажбуриятлари бажарилмади, ердан хўжасизларча фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотни тасарруф қилишдаги талон-торожликлар ва бошқа турли-туман қонунбузилишлар содир этилди. Шу ўринда юқоридаги жараённи қонуний ва адолатли амалга ошириш учун давлат назоратига эҳтиёж туғилди ва Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан бу вазифани бажариш прокуратура органларига юклатилди. Бу борада олиб борилган ишлар, кўрилган тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, деб айта оламиз.

Вилоят прокуратура органлари томонидан қайд этилган Фармон ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

2008 йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 35 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 1739 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Судларга 182,7 млн. сўмлик 649 та ариза киритилиб, 26,5 млн. сўмлик зарар ихтиёрий ундирилиши таъминланган. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 16 та жиноят иши қўзғатилган.

Ер ўз эгасининг қўлига ўтмаса, қаровсиз қолиши, кўзланган самарани бермаслиги турган гап. Аниқланишича, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига туман ҳокимликлари заҳирасида жами 64 минг 996 гектар ер майдони ва яйловлар бўлиб, улар бўйича қайта танлов ўтказиш масаласи ҳал этилмасдан қолмоқда. Натижада кўплаб туманларда экин ерлари, яйловлар, боғлар ҳозирги кунга қадар қонуний эгаларига топширилмаган. Уларда маҳсулот етиштириш ва мелиорация-ирригация тадбирларини ўтказиш ишлари қониқарсиз.

Ғалла — халқимизнинг ризқрўзи. Дон қабул қилиш корхоналаридан бири — «Сариосиё дон» масъулияти чекланган жамиятида идоравий назорат ва интизом бўшаштириб юборилганлиги туфайли мулкнинг сақланишига оид қонунлар ижросида жиддий қонунбузилишларга йўл қўйиш одатий тусга айланган. Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда аниқланишича, жамиятнинг ғалла омбори мудирлари М.Ашуров 369,6 тонна ва Э.Ғуломов 38,3 тонна донни давлатга топширмасдан, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган. Текшириш жараёнида М.Ашуровдан 22,4 млн. сўм ва Э.Ғуломовдан 5,6 млн. сўм зарар нақд пул тарзида ундирилди.

Фуқаролар манфаатларига путур етказадиган ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатлари изсиз қолиб кетмайди, албатта. Бунга йўл қўйган шахслар қонун олдида белгиланган тартибда жавоб беришлари муқаррар.

**Суҳбатдош: Шаҳодат УСМОНОВА**

# АЛДАНГАН КИМ?

Инсоният цивилизацияси тарихидан аёнки, қадимда қулдорлар одамларни зўрлаб, мажбурлаб ишлатишган. Бугунги тараққиёт даврига келиб қулдорликнинг янги бир кўриниши — одам савдоси, трафик дунё ҳамжамияти муаммосига айланди.

Кимдир мўмай пул топиш илинжида хорижни орзу қилиб алданса, бошқаси бой бўлишнинг «замонавий услуби» — одамларни сотиб ҳамюртларини алдашдан ҳам қайтмаяпти.

Мазкур мавзудаги саволларимизга Бухоро вилоят прокуратураси ички ишлар органларида қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи **Ўктам СУЛТОНОВ** жавоб берди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йил 27-28 март кунларида бўлиб ўтган ўн учинчи ялпи мажлисида ўттиздан ортиқ масала, жумладан 25 та қонун кўриб чиқилди. Хусусан, мажлис ўз ишини «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқишдан бошлагани бежиз эмас. Чунки, меҳнат миграцияси кучайиб бораётган бир пайтда бундай қонуннинг яратилиши муҳим аҳамият касб этади. Шубҳасиз, бу қонун трафикнинг олдини олиш, уни аниқлаш, бартараф этиш ва оқибатларини камайтиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан трафик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек бу жирканч иллатга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда юзма-юз мулоқотлар, давра суҳбатлари, ОАВ орқали мунтазам чиқишлар ташкил қилинмоқда. Бироқ, бунинг олдини олиш қийин кечаяпти.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Текширишларда, одамлардан фойдаланиш учун ёллаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, «хавфли гуруҳ»га мансуб шахсларни аниқлаш, профилактик ҳисобга олиш ишларига асосий эътибор қаратилмоқда.



Вилоятда бир неча йиллардан буён «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази иш олиб бормоқда. Жабрланганларга ушбу марказ томонидан тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши ташкиллаштирилган.

**— Бу борада фуқаролардан келиб тушган ариза, шикоят ва хабарларнинг қонун талаби асосида ҳал этилиши хусусида нима дея оласиз?**

— Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш мазмунидаги мурожаатларнинг аксарияти ИИБ ҲООБ профилактика инспекторлари томонидан ҳал этилади. Афсуски, бу борада жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Жумладан, Қоракўл туман ИИБга фуқаро С.Бегмонова 2007 йил 29 январда ариза ёзиб, ака-ука Борис ва Мурод Барраевлар 2006 йил ноябрида уйларига келиб, ўғли З.Бегмонов ва укаси К.Эшовларни Қозоғистон Республикасида фирмага ишга жойлаштириб, иш ҳақи учун 350 АҚШ доллари тўланишини ваъда қилгани, аммо уларни Қозоғистонга олиб бориб, бошқа шахсларга сотиб юборганини билдиради. Мазкур ҳолат юзасидан текшириш ўтказилиб, 2007 йил 16 февралда ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига кўра жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Ёки, Жондор туман ИИБга фуқаро Н.Давронов 2006 йил 22 июнда «Шокир» исмли автобус ҳайдовчиси тоғаси Меҳриддин ва бошқаларни Россия Федерациясининг Броница шаҳрига кўп иш ҳақи тўланишини ваъда қилиб, алдаб олиб бориб, паспортларини олиб қўйганлиги сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб мурожаат қилади. Ўтказилган терговолди текширув натижаларига кура, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Текширишлар тўлиқ олиб борилмаганлиги, аризада кўрсатилган важлар тўлақонли текширилмаганлиги сабабли қабул қилинган қарорлар вилоят прокуратураси томонидан бекор қилиниб, қўшимча текшириш ўтказиш учун юборилди.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган 2 нафар шахс қидирувда бўлиб, тезкор-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

ИИБнинг маҳалла билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Зеро, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳақида аввало, қўни-қўшни, маҳалла аниқ маълумотга эга бўлади.

**— Аёл — ҳаёт бардавомлигини таъминлаш қудратига эга буюк зот сифатида қадрланади. Бироқ, фактларда кўринишича, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларда аёллар иштироки ҳам кузатилади.**

— Энг оғриқ нуқта ҳам шунда. Бу «савдо»да «воситачи» сифатида аёлларни, оналарни, ҳатто вояга етмаган қизларни чет элга ғараз ният — фаҳш ишлар учун алдаб олиб бориб сотаётганларнинг аксарияти аёллар.

Масалан, Бухоро шаҳрилик Д.Худойқулованинг уйига 2007 йил 18 августда Дилбар исмли аёл келиб, унинг қизи Иқболхонни (исм ўзгартирилди) Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида яхши даромадли ишга жойлаштиришни ваъда қилиб олиб кетади. Фуқаролик паспорти қўлидан олиб қўйилган Иқболхон Дилбар «опа»сига фоҳишалик қилиб 4000 АҚШ доллари ишлаб бериши кераклигини эшитгач, алданганини билади.

Шунингдек, фуқаро Г.Матяқубова вилоят прокуратурасига 2004 йил январь ойларида «Дилбар» ва «Ҳаким» исмли шахслар синглиси 1983 йилда туғилган Тўхтажон Матяқубовани алдаб, бирлашган Араб Амирликларида кўп миқдордаги ҳақ тўланадиган иш билан таъминлашни ваъда қилиб, Дубай шаҳрида фоҳишалик қилиш йўли билан 10000 АҚШ доллари ишлаб беришга мажбур қилганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилган. Ўтказилган текширишда жиноятчиларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши таъминланди ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

2008 йилнинг ўтган даврида худди шундай тоифада қўзғатилган, айни пайтда тергов жараёни давом этаётган 8 та жиноят ишининг 6 таси аёллар билан боғлиқ.

Чунончи, олотлик Д.Пўлатова, Бухоро шаҳрилик Ф.Қодирова, Н.Файзуллаева, М.Ягмуровалар ҳам бир хонадонга бекаликка, она, аёл сифатида қадрланишга ҳақли эдилар. Бироқ бу бахтни улар ўз ихтиёрлари билан ҳаром йўл орқали топилган бойликка алишганлари ачинарли.

Алданиб қолаётган — бегона юртдан уйига қайтолмаётганлар ҳам, шаъни топталиб, бадном бўлаётганлар ҳам кимнингдир отаси, акаси ёки қизи, синглисидир. Аммо жабрланувчи бизнинг юртдошимиз эканлигини унутмайлик.

**Моҳира ШАКАРОВА суҳбатлашди**

# Барбод бўлган «операция»



Кунлардан бир кун Саъдулла Юсупов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оғайниси Саҳобиддинни кўчада учратиб қолди. Аслида бир иш юзасидан уни анча вақтдан буён қидириб юрганди. Шундай бўлса-да, аввал «иш»дан оғиз очмай, ўтган кунларни, хурсандчилик вақтларини эслашди. Бироз суҳбатлари жонлангач, муддаога ўтди:

— Оғайни, бир «ёғли» иш бор. Хўп, десанг бафуржа ўтириб гаплашиб олардик, — деди Саъдулла Саҳобиддинга сирли жилмайиб.

— Нима иш экан. Пуллик иш бўлса, бажараверамиз.

— Сенга текин ишни айтармидим. Албатта пулликда. Пул бўлганда ҳам «кўки»да, — Саъдулла бироз тин олиб, кейин секин шивирлади:

— Биттасини «тинчитиш» керак. Беш минг «кўки»дан бераман.

— Ҳе, кўйсанг-чи. Ким экан ўша беш минг турадиган биттаси?

— Хотиним Муҳаббат.

— Ҳазилни ҳам ошириб юборасан-да. Бошимни қотириб нима қиласан? Бўладиган гапни гапирсангчи!

— Ҳе, ҳазили йўқ. Гапнинг дангалини айтаяпман.

Шу вақтгача Саҳобиддин Саъдулланинг ҳамма гапларини ҳазилга йўйиб ўтирганди. Энди унинг гапларидан вазият жиддийлигини англагандек бўлди.

— У сенга нима ёмонлик қилди? Нега уни ўлдирмоқчисан?

— Буёғи менинг ишим. Нима қиласан суриштиравериб. Сенга пул керак. Ишни битирда пулни ол. Тўғриси, сен энг яқин, ишончли дўстим бўлганинг учун пул бегона бўлмасин, деяпман.

Суҳбат шу ерга келганда Саҳобиддин ўйланиб қолди. Кейин ўзига термулиб, жавоб кутиб турган Саъдуллага:

— Мен сенга ўйлаб кўриб жавобини айтаман, — деди жиддий оҳангда.

— Қўл телефонимни биласан, тезда жавобини айтарсан, — деди Саъдулла.

Икки оғайнининг бундай очиқ гаплашишининг сабаби бор эди. Чунки улар 2007 йилнинг ёзида Украинага биргаликда қовун сотишга борган, мусофирчиликда анча-мунча яқин бўлиб қолишганди. Лекин ўшанда уларнинг бозори юришмай, банкрот бўлиб қайтиб келишганди.

Саъдулланинг ўзи эса илгари судланиб, ҳаётдан хулоса чиқармаган одам эди. Унинг нияти бузилишига эса Муҳаббат Қурбонованинг унга қолдириб кетган омонатлари сабаб бўлганди. Аслида ҳаммага хотиним деб таништириб юрган Муҳаббат Қурбонова унинг жазмани эди. Муҳаббатнинг айтишича, Арабистонга бориб-келиб юрар, ўша ёқда бойваччаларнинг кирларини ювиб, дурустгина пул топарди. Сўнгги бор кетишидан олдин у «эри»га 7 млн. 800 минг сўмга тенг, яъни 24 турдаги тилла тақинчоқларини ташлаб кетганди. Саъдулланинг нияти ана шу тиллa буюмларни эгасига қайтармаслик, бу ҳам етмагандек Муҳаббатнинг Уч тепа туманидаги уйига ҳам эгалик қилиш эди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Саъдулла Саҳобиддинга телефон қилиб, Чилонзор метроси ёнида учрашишни таклиф қилди.

— Саҳоб, — деди улар учрашишгач. — Кўринишингдан шартимга розисан. Тўғрида, беш минг доллар қорнингни оғритармиди? Одамлар бир умр ишлаб, бунча пулни тушида ҳам кўрмайди. Сен эса...

— Бўлди, бас қил, — деди Саҳобиддин Саъдулланинг тинмай гапираётганидан асабийлашиб. — Ишдан гапир. Сенингча нима қилиш керак?

— Ҳозир Чорсу бозорига бориб, битта ўткир болта сотиб оламиз. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади деганку машойихлар, — деди Саъдулла ҳиринглаб.

Икковлон Саъдулланинг «Матиз» русумли автомашинасида Чорсу бозорига тушишди. 3000 сўмга болта сотиб олиб, автомашинанинг орқа ўриндиғига ташлаб қўйишди.

— Зўр пичоғим бор. Тоза пўлатдан тайёрланган. Кеча бозорга тушиб чархлатиб чиқдим, — деди Саъдулла. — Пичоқ билан ўлдирасан. Болта билан 5-6 бўлакка ажратиб пакетларга жойлаштирасан. «Иш»ни битирганингдан сўнг мурдани «Матиз»га ортиб шаҳар чеккасига олиб бориб ёқиб юборамиз. Бензин ҳам тайёрлаб қўйганман.

Саъдулланинг ҳеч ҳайиқмасдан, худди «қўйни ундай сўй, бундай бўлакла» дегандек гапириши Саҳобиддинни бироз довдиратиб қўйди. Оғайнисидаги бу ўзгаришни кўрган Саъдулла уни руҳлантирган бўлди:

— Сен қўрқма Саҳоб. Ишни бажаришдан олдин ярим шиша ароқни уриб олсанг дадил бўласан.

— Эртага «операция»ни бажаришдан олдин бир учрашиб олсак, — деди Саҳобиддин.

Улар хайрлашишди. Эртаси куни улар яна Чилонзор метроси бекатида учрашишди.

— Кеча кечаси билан «операция»ни қандай бажаришинг ҳақида ўйлаб чиқдим, — деди Саъдулла жиддий оҳангда. —Менимча энг яхши йўли уни бўғиб ўлдириш. Сабаби овози чиқмайди. Пичоқ ҳам яхши-ю, лекин бир-икки марта пичоқласанг жон ҳолатда бақириши мумкин. Қўни-қўшнилар эшитиб қолса...

— Тўғри айтасан. Ишимизнинг ҳиди чиқмаслиги керак.

— Унда бир таклиф. Муҳаббатни дам оламиз, деб тоққа олиб чиқиб, у ерда «тинчитиб» кўя қолсак қандай бўларкин?

— Сен нима десанг мен розиман, — деди Саҳобиддин.

Улар Муҳаббатни тоққа алдаб олиб бориб, ўлдиришга келишишди. Суҳбат сўнгида Саъдулла Саҳобиддинга 3 метрлар келадиган арқонни берди. Сўнг қўшиб қўйди:

— Сени 5000 АҚШ доллари кутаяпти...

Саҳобиддин кечга яқин Муҳаббатнинг уйига қўнғироқ қилиб, жиддий гап бор деди. Улар учрашишди. Саҳобиддин бор гапни унга айтиб берди. Аввалига Муҳаббат ишонмади. Сўнг ўйлаб қолди: шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди.

Саҳобиддин эртасигаёқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлаётган воқеалар ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Орадан икки кун ўтгач, Саъдулла Саҳобиддин билан учрашиб унга пичоқ, болта ва арқонни берди.

— Муҳаббатни тоққа олиб бориб нима қиламиз. Уйида тинчитиб қўя қол, — деди Саъдулла.

Эртаси куни Саҳобиддин Саъдулланинг уяли телефонига қўнғироқ қилди:

— «Иш» битди. Мурдани қопларга жойладим. Зудлик билан етиб кел.

— Уйига қандай кираман, — деди Саъдулла.

— Уйининг балкони яқинига келсанг, калитни ташлайман.

Худди шундай бўлди. Саъдулла уйга кирганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари уни қўлга туширди.

Ана шундай қилиб бир инсон ҳаёти сақлаб қолинди. Саъдулла Юсупов судда ўзини оқлаш учун минг бир ўйин қилди, бўлмади. Зеро, терговдаги далиллар «ўжар» бўлади.

**Акмалхўжа МАВЛОНОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма катта прокурори**
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Huquq» мухбири**

# АДВОКАТ АЛДОВЛАРИ

**Чўкаётган одам хасга ёпишади деганларидек, бошига мусибат тушган, танг аҳволда қолган киши бор-будини совуриб бўлса-да вазиятдан чиқишга уринади. Шундай вазиятда жўяли ёрдам беришга қодир киши унинг учун авлиё кўриниб, унинг айтган ҳар бир гапига амал қилади. Шундай қилса муаммоси ҳал бўладигандек, иши битадигандек, гўё. Ҳамшаҳримиз Холидахон Умирзоқованинг (айрим исм-фамилиялар ўзгартиб берилмоқда) бошига ҳам иш тушиб, ана шундай бир ҳожатбарорни топган эди. Аммо ишонган одами ҳожатбарор эмас, балки фирибгар бўлиб чиқди.**

Кечки соат еттиларда эшик қўнғироғининг бехосдан жиринглаб қолишидан ошхонада куймаланиб юрган Холидахон сергак тортди. Эшикни очганида остонада турган милиция ходимларини кўриб каловланиб қолди.

— Биз шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимиданмиз...

Қолган воқеалар Холидахоннинг кўз ўнгида бир зумда бўлиб ўтди. Милиция ходимлари унга қандайдир қоғозларни кўрсатишиб, уйга киришди ва эрининг, укасининг қўлларига кишан тақишиб олиб кетишди. Маълум бўлишича, Холидахоннинг турмуш ўртоғи ва укаси ўғирлик жиноятида айбланаётган, шунинг учун ҳибсга олинган экан.

Холидахон жуда танг аҳволда қолди. Кўз ўнгида содир бўлган воқеалар уни буткул довдиратиб қўйди. Бироз каловланиб турдида, сўнг телефонга ёпишди. У танишлари орқали «ўткир» адвокат топиш илинжида эди.

Адвокат Шавкат Йўлдошев Холидахонни илиқлик билан қарши олди. Бўлиб ўтган воқеаларни диққат билан эшитди. Кейин салмоқлаб гап бошлади:

— Мен аввал вазиятни билай, кейин сизга ўзим хабар қиламан.

Эртасига адвокат Ш.Йўлдошев Холидахонга телефон қилиб, ўз идорасига келишини айтди.

— Вазият оғир, — дея ўзини вазмин тутиб гап бошлади адвокат, — Эрингиз билан укангизга жиддий айб қўйилмоқда. Агар айб қўйилаётган модда билан жазоланса, қамалиб кетиши аниқ. Фақат...

— Нима фақат? — Холидахон тоқатсизланди. — Очиқроқ гапираверинг.

— Фақат жазони енгили билан алмаштириш мумкин. Лекин бунинг бироз харажати бор. Агар бундан қочмайман десангиз...

— Хўш, қанча бўлади?

— Кўкида беш минг.

— Беш минг!?

— Фақат тўғри тушунинг. Берганингизни тўппа-тўғри керакли одамга етказаман, — адвокат бироз тин олиб Холидахондаги ўзгаришни кузатди. Кейин қўшиб қўйди:

— Агар пулни тезроқ берсак, иш осон кечади.

— Камроқ бўлмайдими?

—Бу нима деганингиз? Мен уларнинг айтганини айтаяпман. Яна ўзингиз биласиз.

— Майли. Ўйлаб кўрай.

— Фақат тезроқ...

Орадан кунлар ўтди. Бу вақт оралиғида адвокат тинимсиз Холидахонга телефон қилиб, пулни тезроқ бериш кераклигини уқтираверди. Охир-оқибат Ш.Йўлдошев Холидахондан 2000 АҚШ долларини олишга эришди. Олаётган пайтда бу пулни «керакли одам»ларга пора тариқасида беришини қайта-қайта такрорлади.

Вақт ўтиб жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан Холидахоннинг турмуш ўртоғи ва укаси устидан қўзғалаётган жиноят иши ўз якунига етиб қолди. Лекин енгил жазо тайинланиши тўғрисида умуман гап-сўз бўлмади. Шундан кейин Холидахон алданганини билиб, Ш.Йўлдошевдан 2000 АҚШ долларини қайтаришни талаб қила бошлайди. Лекин адвокат яна бўш келмайди: қолган 3000 АҚШ долларини тегишли мансабдорга берсагина иши ҳал бўлиши мумкинлигини айтади. Орадан икки кун ўтиб, адвокат Йўлдошев ўзидан шубҳаланиб қолган Холидахонни ишонтириш учун уни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди биноси олдига олиб келади. Холидахонни машинада қолдириб, унинг кўз ўнгида ёши 30-35 ёшлардаги бир киши билан учрашиб, унга нималарнидир тушунтирган бўлади. Кейин Холидахоннинг олдига қайтиб келиб:

— Мана шу одам ишни ҳал қилади, — дейди иддао билан. — Сиз ишонмаяпсиз. Иш ҳал бўпти ҳисоб, қолган пулни тезлатинглар деяпти...

Хуллас, Холидахонни авраб ундан яна 1000 АҚШ долларини олишга муваффақ бўлади. Лекин бу билан қаноатланмаган адвокат қолган 2000 минг долларни ҳам қўлга киритиш йўлларини қидира бошлайди. Шунинг учун яна тинимсиз қўнғироқ қилиб Холидахонни ҳол-жонига қўймайди.

Ҳам иши битмай, ҳам адвокатнинг тинимсиз қўнғироқларидан зада бўлган Холидахон охир-оқибат ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишга қарор қилади. Ўтказилган тезкор тадбир натижасида адвокат Ш.Йўлдошев ўз автомашинасида фуқаро Х.Умирзоқовадан фирибгарлик йўли билан 2000 АҚШ долларини олаётган пайтда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан фирибгар адвокат Ш.Йўлдошев тегишли жазосини олди.

**Жамолиддин ҲОШИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси терговчиси**

# Музокаралар самара берди



Ливан ҳукумати ҳамда мамлакатдаги мухолифат кучлар манфаатини кўзлаётган «Ҳизболлоҳ» ҳаракати ўртасида беш кун давом этган музокаралар ўз самарасини берди, деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги. Томонлар коалицион ҳукумат тузиш ҳамда сайловлар тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш масаласини келишиб олдилар. Эслатиб ўтиш жоизки, айнан шу пунктлар борасида якдиллик бўлмагани сиёсий инқирознинг чўзилиб кетишига сабаб бўлганди. Натижада Ливан расман 2007 йилнинг ноябридан бери президентсиз қолмоқда.

Ливандаги сиёсий инқироз 2006 йил охиридан, «Ҳизболлоҳ» ҳаракати ваколатлар доирасини кенгайтириш ҳамда ҳукумат қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлишни талаб қилиб, коалицион ҳукумат таркибидан чиқиб кетганидан сўнг бошланганди. Жорий йилнинг май ойида эса сиёсий инқироз куролли қарама-қаршиликка айланди. 6 майдан 15 майгача давом этган қуролли тўқнашувлар натижасида Ливан ҳудудида 65 киши ҳалок бўлди.

# Африкалик тарғиботчилар Украинада



19 май куни Киевнинг Соломенск туманида Нигериянинг икки нафар фуқароси ҳамда конголик шахс ушланган. Улар киевликларга шаҳар мэри лавозимига кўрсатилаётган номзодлардан бирини қўллаб-қувватлаш эвазига пул таклиф қилишган. Украина ИИВ раҳбари Юрий Луценконинг баёнот беришича, нигериялик ҳамда конголик «тарғиботчилар» амалдаги мэр Леонид Черновецк номзоди учун ташвиқот ишларини олиб боришган. Украина пойтахти меҳмонлари сайловчиларга ҳар бир овоз учун 300 гривен (65 АҚШ доллари)дан таклиф қилишган. Таъкидлаш жоизки, Киевнинг амалдаги мэри нигериялик Сандей Аделжа томонидан бошқариладиган «Худо элчихонаси» диний сектаси аъзосидир. Луценконинг айтишича, Киевда овозларни сотиб олишнинг аниқ тизими ташкил этилган. Аввалроқ, Украина хавфсизлик хизмати «Вавилон» деб ном олган овозларни сотиб олиш схемасини фош этганди. УХХ томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича Киев прокуратураси томонидан «Инсонларни танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш» моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Киев мэри ҳамда шаҳар кенгашига депутатларнинг навбатдан ташқари сайлови жорий йилнинг 25 май куни ўтказилади. Эслатиш жоизки, Украина ҳукумати томонидан Киевнинг амалдаги мэри Леонид Черновецкга нисбатан ишончсизлик билдирилгандан сўнг, мамлакат парламенти навбатдан ташқари сайловларни белгилаган эди, деб хабар қилади «Интерфакс» ахборот агентлиги.

# Наркотрафик ёпилаяпти

20 май куни Болгария божхона қўмитаси ходимлари Туркия билан чегара ҳудудида 93,5 килограмм героин моддасини ушлаб қолишди. Умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу гиёҳвандлик воситаси Туркиядан Болгарияга Малко Тарново чегара пунктидан ўтмоқчи бўлган автомашина ичига яширилган экан. Ҳайдовчи билан йўловчи ҳибсга олинган. Мутахассисларнинг айтишича, 2007 йилда Европа Иттифоқи аъзосига айланган Болгариядан Туркия орқали Ғарбий Европа давлатларига наркотик моддаларни ўтказишда транзит сифатида фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг 10 март куни болгар божхоначилари Сербия билан чегара ҳудудида 163 килограмм героин моддасини ушлашган эди. 2007 йилда мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан жами 977 килограмм наркотик модда олиб қўйилган. Бу кўрсатгич 2006 йилга нисбатан икки баробар кўпдир. Эслатиб ўтиш жоизки, ўтган ойда Болгарияда сиёсий жанжал юзага келди. Мамлакат парламенти ҳукуматни наркотрафикни назорат қиладиган жиноий уюшмалар билан алоқадорликда айблади. Парламент комиссиясининг таъкидлашича, ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари наркосавдогарларга махфий маълумотларни етказиб туришган. Жиноятчилар ҳам жазодан қутилиб қолишда бу маълумотлардан унумли фойдаланиб келишган, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.



# Ёрдам берилмайди

Жаҳон банки вакиллари банк томонидан табиий офатдан зарар кўрган Мьянмага ҳеч қандай молиявий ёрдам берилмаслигини билдирдилар. Баёнотда айтилишича, Мьянма ўзининг асосий қарзини узиш чораларини 1998 йидан бери кўрмаётганлиги боис шундай қарорга келинган. Жаҳон банкининг ижрочи директори Хуан Хосе Дабуб «Жаҳон банки Мьянмага ёрдам беришга тайёр эмас» деган сўзлар билан бу масалага якун ясади. Расмий маълумотларга кўра, «Наргис» циклони натижасида қурбон бўлганлар сони 77 мингга етган бўлиб, 56 минг киши бедарак йўқолган. Табиий офат натижасида Мьянма ўн миллиард доллар миқдорида зарар кўрган.



# Кўп гап...



Шимолий Ирландия полицияси Ирландия Республикаси Армиясининг фахрийсини 30 йил аввал Британия агентининг ўлимида алоқадорликда айблаб ҳибсга олди, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги. Маълумотларда айтилишича, капитан Роберт Наиракнинг қотиллигида гумон қилинаётган 57 ёшли Кевин Крилли ушбу жиноятдан сўнг анча вақт Ирландия Республикаси ва АҚШда яшириниб юрган.

1998 йилда имзоланган Белфаст келишувига кўра аввал содир этилган жиноятларда гумон қилинаётган «ИРА»нинг барча аъзоларига озодлик ваъда қилинганди. Шу боис Крилли ўз ватани Жанубий Армагга қайтган. 2007 йилда у Шимолий Ирландия телевидениесида «Би-Би-Си» томонидан намойиш этилган ҳужжатли филмда чиқиб, капитан Наирак қотиллиги содир этилиш вазияти ва ҳолатига доир масалаларни муҳокама этишда қатнашади. Шундан сўнг, протестант сиёсатчилар иш қайтадан кўрилишини ва Криллининг ҳибсга олинишини талаб қиладилар. 1977 ва 1978 йилларда Наирак иши юзасидан олти киши судланган эди. Бироқ полиция озодликда қолган яна уч нафар шахсни сўроқ қилишга ҳаракат қилган. Улардан бири, Терри Мак Кормик ҳозиргача АҚШда яшириниб юрибди. У ҳам «Би-Би-Си»нинг филмида суратга тушиб, қотилликдаги ўз ролини изоҳлашга ҳаракат қилганди. 29 ёшида ўлдирилган капитан Роберт Наирак Шимолий Ирландиянинг 40 йиллик низосидаги энг сирли ва ёрқин иштирокчилардан бири бўлган. Низо натижасида ўлдирилган 700 та британиялик ҳарбийдан фақатгина унинг жасади топилмаган. Наирак Шимолий Ирландиядаги хизмати давомида ўзини «ИРА» жангариси деб таништириб, тўрт маротаба жуда хавфли ва оғир операцияларни бажарган. Ҳали ҳануз, Наирак қандай қилиб шунча вақт фош этилмай, яширин жосуслик фаолиятини олиб борганлиги ҳарбийларни ҳайратда қолдирмоқда. Чунки «ИРА» сафида пайдо бўлган янги шахс дарҳол шубҳа ва гумонлар остига олинарди. Айрим фикрларга кўра, у ўз хавфсизлигини Британия қўшинларининг ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотларни «ИРА» жангарилари билан ўртоқлашиши оқибатида таъминлаб турган бўлиши мумкин. У 1977 йилнинг 14 май куни ҳарбий базадан чиқиб, чегара ҳудудида жойлашган «Уч зина» қаҳвахонасига келади. Бу ерда Наирак ўзини «ИРА» аъзоси Дэнни Мак Эрлайн деб таништириб, ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар айтади. Лекин, қандай қилиб чегарани ноқонуний равишда кесиб ўтиш мумкинлиги тўғрисидаги саволлари билан ўзига нисбатан шубҳа туғдиради. Тунги соат 12ларда Наирак автомобиллар турар жойида «ИРА»нинг жангарилари томонидан ўғирлаб кетилади. Бир соат давом этган шафқатсиз сўроқдан сўнг, отиб ташланади.

# Жосус жазоланди



АҚШда жосусликда айбдор деб топилган ироқлик таржимон 10 йилга озодликдан ҳамда АҚШ фуқаролигидан маҳрум этилди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги. Асл миллати ва шахси ошкор этилмаётган кимса бошқа исм-шариф ёрдамида АҚШ фуқаролигини олиб, 2003 йилда АҚШнинг Ироқдаги армиясига таржимон бўлиб хизматга кирган экан. Аниқланишича, у ноқонуний равишда олган махфий ҳужжатлар ҳамда ҳарбий карталар нусхалари унинг Нью-Йоркдаги уйидан топилган. Хусусан, Ироқни бомбардимон қилиш операцияларининг бири хусусидаги, Маккага йўл олган зиёратчиларни қўриқлаш, шунингдек, Ироқнинг Нажаф шаҳрида амалга оширилган ҳарбий операция тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари ушбу топилмалар ичидан чиқди. Жосус турли вақтларда ҳар хил исмлар: Абдулҳаким Нур, Абу Ҳаким, Нуриддин Малки, Алмалики Нур ва Алмалик Нур Эддин исмлари билан фаолият кўрсатганлиги аниқланган.

# Ҳаракат асосчиларидан бири

«Тамил-Илама озодлиги йўлбарслари» ҳаракатининг раҳбарларидан бири Балраж 20 май куни Шри-Ланканинг Ванни шаҳрида юрак хуружи натижасида вафот этди. «Тамил йўлбарслари» ҳарбий қанотининг биринчи қўмондони бўлган Балраж, 1991 йилдан 1993 йилгача ва 1995 йилдан 1997 йилгача айирмачиларнинг ҳарбий кучларини бошқарган, шунингдек, махсус операцияларга ҳам бошчилик қилган. 2003 йилда Шри-Ланка ҳукумати билан эришилган тинчлик вақтида Балраж Сингапурдаги кардиология марказида юрак операциясини бошидан ўтказган. 2008 йилнинг февралида эса юрагидаги муаммолар туфайли шифохонага ётқизилганди, деб хабар қилади «Tamil Net» ахборот агентлиги.



# Ўлим жазоси бекор бўлди

«Mixnews.lv» ахборот агентлигининг хабар беришича, Латвия ҳукумати мамлакат Жиноят кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун-лойҳасини қўллаб-қувватлади. Унга кўра, қонун матнидан «ўлим жазоси» деган тушунча олиб ташланади. Эндиликда, мазкур қонун-лойиҳасини мамлакат парламенти маъқуллаши лозим. 1996 йилда Республикада ўлим жазосига мораторий эълон қилинган бўлиб, Жиноят кодексининг бир нечта моддаларидаги ўлим жазосининг олиб ташланиши назарда тутилганди. Хусусан, қонун инсонни ҳарбий жиноятлар, шунингдек, тинчлик вақтида ўта шафқатсизларча қотиллик жиноятини содир этганлик учун қатл этишга «рухсат» берарди. Сўнгги йилларда Латвия ҳам ҳарбий, ҳам тинчлик вақтида ўлим жазосидан умуман воз кечишни назарда тутадиган қатор халқаро протоколларни имзолаган.

# Францияда «Тьерри» ушланди

**«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба куни Франциянинг жануби-ғарбидаги Бордо шаҳрида «ETA» баск террорчилик гуруҳи раҳбари — «Тьерри» лақаби билан танилган Хавьер Лопес-Пенья ҳибсга олинган. Лопес-Пенья испан ҳамда француз полицияси томонидан ўтказилган махсус операция натижасида уч нафар издоши билан яширин квартирада ушланган. Маълумотларда айтилишича, «ETA»даги биринчи рақамли террорчи ҳисобланмиш Лопес-Пенья баск айирмачиларининг сиёсий раҳбарлари қаторига киради. У билан ушланганлар ҳам айнан «раҳбарият» сафида эканлар.**

**Мана 40 йилдирки «ETA» гуруҳи Испанияда басклар мамлакатининг мустақиллиги учун курашиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида террорчилар қўлида 820 киши қурбон бўлган. Испания хавфсизлик хизмати эса 1983 йилда Хавьер Лопес-Пеньяни қидирувга берганди.**

«Internet» хабарлари асосида ЎзМУ магистранти Бахтиёр СУЛАЙМОНОВ тайёрлади



Умр эртакка ўхшайди. Бир қарасанг, охир-адоғи йўқдай, бир қарасанг, поёнига етиб бораётгандай. Йигитликнинг кучи белдан кетмай, бир ишнинг бошини тутиб, сал нафас ростлаш учун ортингга ўгирилиб қарасанг, умр ўтиб кетган, эртак якунланаётган бўлади. Шунда беихтиёр ўйга толасан: дунёга келиб нима топдим-у, нима из қолдирдим? Абдуқодир ака КАРИМБЕРДИЕВ босиб ўтган баракали умр мазмунини эзгулик ва савоб ишларда деб билади.

# УМРНИНГ 80-БЕКАТИДА

А.Каримбердиев 1928 йил 23 майда Мирзачўлда деҳқон оиласида таваллуд топди. У ёшлигидан ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини тотиб кўрди, катталар билан бараварига янгидан ташкил топган жамоа хўжалигида меҳнат қилди.

Уруш қаҳатчилиги барча жойларда бўлгани сингари уларнинг қишлоғида ҳам ҳукм сурар, оилалар жуда ночор аҳволда эди.

А.Каримбердиев 1944 йил ўрта мактабни битирган пайтида отаси вафот этди. У 1946 йилгача Янгиовул қишлоқ кенгаши котиби бўлиб ишлади. Ўша пайтларда адвокат бўлиб ишлаган Довурбой Ярашев Абдуқодирнинг кўнглида шу касбга ҳавас уйғотди. У Тошкент давлат юридик институтига ҳужжат топшириб, барча имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди ва ўқишга қабул қилинди. 1950 йилда ўқишни тугатиб, Самарқанд вилоят прокуратурасига ишга юборилди. А.Каримбердиев дастлаб вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Қорақишлоқ, Оқдарё туманлари прокурори, Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари, Ургут туманлараро прокурори, кейинчалик Каттақўрғон шаҳрида прокурор бўлиб ишлади, Самарқанд шаҳар прокуратурасини бошқарди.

Абдуқодир ака 1971 йилнинг июнида Фарғона вилоят прокурори вазифасига тайинланади. У ҳалоллиги, ҳар бир инсон тақдирига бефарқ бўлмасдан, ишга адолат билан ёндашуви, қонунчилик тамойилларини назорат қилишда холисона муносабатларга асосланиши туфайли мазкур вазифада 14 йил хизмат қилди. А.Каримбердиевнинг ҳаёт йўлида унга устозлик қилган, тўғри йўлни кўрсатган яхши инсонлар кўп бўлди. Ўша пайтларда Ўзбекистон Республикаси прокурори бўлиб ишлаган устози Нор Ёқубовни Абдуқодир ака миннатдорлик билан эслайди. Мамажон Мақсумов, Қурбон Рўзметов, Нўъмон Бўрихўжаев сингари улуғ инсонлар Абдуқодир аканинг ҳаёт йўлида чароғбон бўлишди, уни ҳамиша, ҳамма ерда қўллаб-қувватлаб келишди.

А.Каримбердиев Самарқанд вилоятида Тўйчи Орипов, Рустам Элмуродов, Омон Насруллаев, Абдулла Молохов, Саида Нарзиқулова сингари ҳуқуқ-тартибот фидойилари билан ишлади. Ўзи ҳам Ҳайдар Исломов, Аҳмад Шербеков, Ю.Щеглов сингари бир қатор шогирдлар тайёрлади, уларга устозлик қилди. Кейинчалик Фарғона вилоят прокурори бўлиб ишлаган даврида ҳам унинг ёнида ўз ишининг фидойилари бўлган вилоят ва туман раҳбарлари: Фаҳриддин Шамсутдинов, Ҳамдам Умаров, Махсутали Ҳайдаров, Маматқул Раҳмонов, Усмонали Бегматов, Усмонхўжа Исмоилов, Сотиболди Тоштемиров сингари садоқатли инсонлар елкама-елка туриб меҳнат қилишди. Устоз уларни ҳозирга қадар эслаб, ўша даврнинг етук одамлари деб билади.

1985 йилнинг бошларида А.Каримбердиев Ўзбекистон Республикаси прокурори ўринбосари вазифасига тайинланди ва то нафақага чиққунга қадар мазкур лавозимда хизмат қилди. Нафақага чиққанидан кейин адвокатлик қилди, ҳозирда эса Самарқанддаги Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси бошқаруви раисининг ҳуқуқий маслаҳатчиси вазифасида ишламоқда. А.Каримбердиев ҳамма ишда адолат бўлишини, оддий фуқаролар онгида ҳуқуқий маданият тушунчасини шакллантиришга ҳисса қўшишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билади.

Абдуқодир аканинг фидойиликлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист», 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси унвонларига сазовор бўлди, бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг фахрий ёрлиқларига эга бўлди. Мустақиллик даврида ҳам унинг меҳнатлари эътироф этилиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Турмуш ўртоғи Раъно ая билан 53 йилдан буён умргузаронлик қилмоқда. Катта ўғли Шуҳрат қурувчи, Рустам прокуратура ходими, Абдурасул ички ишлар органларида хизмат қилмоқда, Равшан ўқитувчи. Умрининг ҳар бир куни ва ҳар бир соатини бекор ўтказмаган, уни эзгу ишларга сарфлаган инсонга Оллоҳ ҳам меҳрибон бўлади. Меҳрибон оила бошлиғи, ўн бешта невара ва 5 нафар эваранинг бобоси Абдуқодир Каримбердиев ҳаётини бундоқ сарҳисоб қилиб қараса, салкам бир аср билан бўйлашиб қолибди ва ҳали ҳам ўзини бардам ҳис қилади. Бунинг сабаби эса оддий — инсон қанча кўп хайрли ва эзгу ишларни амалга оширса, унинг ҳаёти пойдор, умри мазмунли бўлади.

**Исматулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Садриддин НАБИЕВ,**
**журналист**



*Исроил ИБРОҲИМОВ*

# Талваса

Ўрик ғўралаган эди.

—Ўриксордан ўтиб ўнгга, —деди ҳайдовчига йўл кўрсатиб бораётган милиция сержанти. Уч чақиримча юрганларидан кейин асфальт охирлаб, ташландиқ коннинг тошлоқ, ўнқир-чўнқир, илонизи йўлидан адирга кўтарилишди. Қуйироқда, адирлар оралиғида тезкор-тергов гуруҳи ишга киришган эди.

—Қоп-қора жасади қопти, —деди туман ИИБнинг жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Авазбек Қодиров. — Тунда жала қуймаганида куйиб кул бўлармиди... Анави қора «Нексия»да келган...

Машина ёнида ўн литрли бензин идиши. «Ўзига ўт қўйганга ўхшайди», кўнглидан ўтказди Собиржон Аслонов. Илк таассуротнинг тасдиғи — «Нексия» машинасида босқинчилик, талончилик аломатлари йўқ. Машина техпаспорти ҳайдовчининг ўриндиғи тарафдаги олди ойна соябончаси остига қистирилган. Ғаладончасида ўн етти минг сўм пул... Эллик қадамча пастроғда куйиб қорайган жасад. Чамаси, машина ёнида ўзининг устига бензин қуйиб, гугуртни ёндириб, ўт қўйган. Жизғанаги чиқиб, чидаб бўлмас оғриқдан нара тортганича пастга югурган. Қоп-қора тун бағрида ўкириб, чопиб бораётган алангани кўз олдига келтирган терговчининг эти жунжикди. Ҳаммаси аёндай, бироқ ўз жонига қасд қилганига ишонч ҳосил қилиш учун аянчли воқеанинг ибтидосидан тортиб интиҳосигача чиғириқдан ўтказмоғи керак. Нимага, нима сабабдан ўзига ўлим тилаб олди? Руҳий изтиробларининг боиси нима? Бирон кимса ўз жонига қасд қилиш даражасига етказгани йўқми? Қолаверса, қотиллик эҳтимолини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Беихтиёр, Собиржон «Гардкам» ишини эслади. Терговчи лавозимига энди тайинланган кезлар эди. Кузнинг дастлабки ойи, шанба куни эрталаб прокурор бошчилигида Марказий Фарғонага, Уч уй массивига йўл олдилар. Андижон — Қўқон трассасининг етмишинчи километрида, чўлқуварлар қишлоқчасига беш чақирим етмай, машинадан тушишди. Чап тараф пахта пайкаллари, ўнг тараф қум барханлари. Йўл бўйидаги қумтепага чиқиб боришди. Бутунлай ёниб битмаган туфлилари бўлмаса, куйиндининг қолдиғи одам жасадига ҳам ўхшамасди.

«Тунда итим ҳуриб уйғотди», деди катта йўлнинг нариги тарафи, зовур ортидаги дала шийпонининг қоровули. «Қумлик тарафда алангага кўзим тушди. Шайтон нима экан, бориб кўр, дейди-ю, кимсасиз чўл, қоп-қора тун ваҳимага солади. Бўрибосарни етакладим. Зовур бўйига етганимда нариги қирғоқда, катта йўлда битта оқ «Жигули» тўхтади. Биров тушиб, аланга тарафга югурди. Бироздан кейин изига қайтиб, қўлидаги идишни орқа юкхонасига солди. Бўрибосар вовуллагани сари, юрагим алағда. Ҳалиги одам машинага миниб, жўнади. Нимани ёндирди, бориб кўрай дедим-у, қоронғуда зовурга ботиб қоламанми, деб чўчидим. Саҳар яккачўп кўприкдан ўтиб, қумтепага чиқдим. Тутаб, куяётган гўшт иси, анави бир пой туфли кўнглимни ғаш қилди. Қишлоқдаги мелиса йигитга учрадим...» Қоровулнинг айтишича, оқ «Жигули» Қўқон тарафдан келиб, тағин ортига қайтган. Куйдирилган жасаднинг ёнверида қоровул топиб олган, чехларнинг «Цебо» фирмаси ёрлиғи урилган ёзлик туфлининг бир пойидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Чамаси, туфли қотилнинг оёғидан тушиб қолган, қайтиб келиб бензин идишини олгану, қоронғуда бир пой туфлисини тополмаган.

Марҳум ким, аниқлаб бўлмади. Ҳеч ким яқин кишиси бедарак кетгани ҳақида мурожаат қилмади. Ягона илинж — оқ «Жигули»ни қидириб топиш лозим эди. Собиржон Аслонов Қўқон шаҳри, атроф туманларда шу русумдаги ранги оқ автомобил эгаларининг барчасини сўраб-суриштирди. Шубҳали уч нафарини гумонланувчи тариқасида сўроқ қилди. Янгиқўрғонлик ўттиз икки яшар Солижон Акрамов машинасини икки кун аввал устахонага келтириб берган эди. Учкўприклик қирқ бирга кирган Олимжон Аҳроров ўша кеча қўшнисининг тўйида ичиб маст бўлиб қолган, уйига кириб хуррак отиб ётганди. Учинчиси... Қўқон шаҳрида яшовчи эллик ёшдан ўтган, муқаддам судланган Османали Турдибеков ҳам ушбу жиноятга мутлақо алоқаси йўқлигини исботлайдиган дастакни рўкач қилди. Ўша кунлари юраги санчиб касалхонада даволанган. Шифохона маъмурияти буни тасдиқлади. Бироқ, экспертиза хулосасига кўра, унга тегишли оқ «Жигули»нинг орқа ўриндиғидаги билинар-билинмас доғ — қон томчиси эди. «Ўғлимнинг бурнидан оққандир» баҳона қилди Османали. Темир-терсак қабул қилувчи корхонанинг қоровули шоҳона уй, енгил машинани қайси даромадларига орттирган? Уни таниган-билганлар билан норасмий гаплашар экан, қимор ўйнаши, аниқроғи ошиқ отиб туришни хуш кўриши аён бўлди. Бир кун ишлаб, икки кун дам олар, ҳордиқ кунлари, кечки пайт хонадонида «гардкам»га ишқибозлар жамулжам эдилар. Қиморбозларнинг бири гап орасида Османали «меҳмон»ларни ҳар доим боксчи билан кутиб олиб, кузатишини, иккаласининг ўртасидан қил ўтмаслигини қистириб ўтди. Бироқ боксчи —Шукрулло уйида йўқ эди.

— Мирзачўлга ишлагани кетган, — деди хотини Мунаввархон.

— Телефон қилдими, хат ёздими?

— Гаплашганимиз йўқ. Лекин, бир марта жўнатган пулини Зарипжон опкелиб берди.

— Қайси Зарипжон?

— Османали аканинг ўғли.

Ўн етти яшар Зарипжон отаси ўргатган гапларни тўтиқуш каби такрорлаётгандай эди.

— Хотиним беъмани сарфлаб юбормасин, деб йиққан пулини менга бериб кетган. Ҳар ойда оз-оздан оббориб турасан, деган...

Сўнгра йигитча «билмадим»дан нарига ўтмади.

Собиржон унинг отасини кабинетига чорлашдан олдин, қумтепада топилган туфлининг ўнг пойини стол устидаги оқ қоғозга қўйди.

*(Давоми келгуси сонда).*


## Эълон

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан «Тошкент Замонавий Университети»нинг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги ҳолати бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Мазкур жиноят оқибатида моддий зарар кўрган ёки «Тошкент Замонавий Университети»га ҳужжатларининг асл нусхасини топшириб, ҳозирги кунга қадар прокуратура органларига мурожаат этмаган шахсларни, фуқаролик паспорти ва ишга алоқадор бўлган барча ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармасига мурожаат этишини сўраймиз.

*Манзил: Тошкент шаҳар, Я.Ғуломов кўчаси, 66-уй.*
*Маълумот учун телефонлар: 8-(371) 236-11-29, 236-11-15*



**Huquq** yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 231

Buyurtma Г — 455. 21 933 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 19.30 1 2 3 4 5 7 8

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda